

# ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИ САЙЛОВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ЎҚУВ-СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ.

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИ САЙЛОВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ЎҚУВ-СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ.



Жорий йилнинг май ойида Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови ўтказилади. Шу муносабат билан бугун Узун туманидаги 2-сонли касб-хунар мактаби фаоллар залида Фуқаролар йиғинлари раис (оқсоқол) лари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссия аъзолари ҳамда маҳаллалардаги ишчи гуруҳлар учун мутахассислар иштирокида ўқув-семинари

ташқил этилди.



Бугунги ўқув-семинар давомида фуқаролар йиғинлари раислари сайловини қонунчилик асосида ташқил этиш ва ўтказишда маҳалладаги ишчи гуруҳларнинг ўрни, сайловга аҳолини жалб қилиш, сайлов ўтадиган объектларда хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, сайлов ўтказиладиган жойларга тиббий хизмат кўрсатилишини самарали ташқил этиш ва шу каби масалалар кўриб чиқилди.



Семинар сўнгида ишчи гуруҳ аъзолари ўзларини қизиқтирган саволларига мутахассислар кўмагида жавоб олишди.



**Туман ҳокимлиги ахборот хизмати**